

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PHD.03/27.05.2020.I.66.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

БАЙБОБОВА ФИРУЗА НАБИЖОНОВА

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА
ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Наманган вилояти мисолида)

08.00.15–Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD) in
Economics Sciences**

Байбобоева Фируза Набижоновна

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмларини такомиллаштириш (Наманган вилояти мисолида)3

Байбобоева Фируза Набижоновна

Совершенствование механизмов обеспечения экономической безопасности в малом бизнесе и частном предпринимательстве (на примере Наманганской области).....27

Bayboboeva Firuza Nabijonovna

Improvement of mechanisms for ensuring economic security in small business and private entrepreneurship (on the example of Namangan region).....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works56

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PHD.03/27.05.2020.I.66.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

БАЙБОБОВА ФИРУЗА НАБИЖОНОВА

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА
ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

08.00.15–Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Iqt816 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namnti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кабиллов Шариф Рахимович
иктисодиёт фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудов Бахриддин Жўраевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Ғафуров Убайдулло Вахабович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.05.2020.1.66.03 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «15» январ соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (0569) 228-76-71, факс: (0569) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (439-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (0569) 228-76-71, e-mail: niei_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «30» декабр куни тарқатилди.
(2021 йил «30» декабрдаги 7- рақамли реестр баённомаси).



Ш.Д.Саидбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д.

Р.Б.Исмоилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

Р.И.Исраилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув ва халқаро миқёсдаги рақобат жараёнлари кучайиб бораётган шароитда хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалалари тобора долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидаги ўзгарувчанлик тавсифининг кучлилиги ўз навбатида соҳадаги иқтисодий таҳликани ҳам ошириб, хавфсизлик даражасининг пасайиб кетишига сабаб бўлади. Айниқса, турли даражадаги иқтисодий тебранишлар, фавқулодда ва инқироз ҳолатлари кичик бизнес субъектлари фаолият барқарорлигига кўпроқ хавф солади. “Бутун дунёда пандемия оқибатида аксарият кичик корхоналар ўз фаолиятларини тўхтатдилар, айримлари ўзларининг хар кунлик даромадларидан айрилдилар, айримлари эса банкротлик ёқасига келиб қолдилар. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, банкротлик хавф солаётган корхоналар сони 436 миллиондан ошиб, уларнинг асосий қисмини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. ...Business Insider портали маълумотларига кўра, стихияли ҳодисалар кичик корхоналарнинг 40 фоизини банкротлик ҳолатига олиб келади”¹. Шунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим масаласи сифатида қаралади.

Дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва муассасалари томонидан тадбиркорлик субъектларида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолият барқарорлигини таъминловчи омиллар ҳамда иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи тизимларни аниқлаш, мамлакат илмий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг таркибий деформацияси, корхоналар инвестиция ва инновацион фаоллиги, жамиятдаги мулкый табақаланиш, тадбиркорлик фаолиятида ўрнатилган мораторийлар, молиявий барқарорликни таъминлаш каби жараёнларни тартибга солишнинг иқтисодий хавфсизликка таъсирини баҳолаш каби илмий тадқиқот йўналишлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасида аҳамиятли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш йўналишига алоҳида эътибор қаратилмоқда². Тадбиркорлик субъектлари фаолият барқарорлигини таъминлашда “иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор

¹Соловьева В.Г. Влияние ограничительных мер в связи с новой коронавирусной инфекцией (COVID-19) на малый бизнес. // Journal of Economy and Business, vol. 9-2 (67), 2020. С.69.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ4525-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4602230>

мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш”³ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг худудий дастурларида тадбиркорлик фаолиятига таҳдидларни олдиндан баҳолаш орқали иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи молиявий тавсифдаги хатарларнинг олдини олишга йўналтирилган молиявий бошқарувни такомиллаштириш, иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи таҳдидларни алоҳида гуруҳларга таснифлаш орқали уларнинг олдини олиш жараёнлари самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини тадқиқ этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкни янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 7 сентябрдаги ПФ-6307-сон “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 1 февралдаги ПҚ-2750-сон «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // «Халқ сўзи» 2017 йил 8 февраль, 28 (6722)-сон.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий таянчи ҳисобланадиган тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича хорижлик олимлардан А.Смит, Ж.Б.Сэй, А.Маршалл, Й.Шумпетер, Ж.Кейнс, Р.Хизрич, М.Питерс, Ф.Хайек, М.Лапуста, К.Макконнелл, С.Брю⁴ ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тизимдаги хавфсизлигининг ўзига хос хусусиятлари хусусида МДҲ олимларидан Л.И.Абалкин, М.Спанов, Г.С.Сеялова, М.А.Азарская, Т.Е.Кочергина, О.А.Рязановалар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар⁵.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи омилларнинг хусусиятлари тўғрисида мамлакатимиз иқтисодчи олимлари И.С.Хотамов, М.К.Олимов, А.Ж.Исмоилов, С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Ҳ.П.Абулқосимовлар тадқиқ этганлар⁶.

Юқорида қайд этилган илмий ишларда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг турли жиҳатларининг назарий асослари тадқиқ этилган. Бироқ, тармоқ ва соҳалар хусусиятларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи иқтисодий хавфсизликнинг назарий-услубий асослари ва уни такомиллаштириш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институтининг ИТМ-6 “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантиришнинг

⁴ А. Смит Исследование о природе и причинах богатства народов.–М.: 1976.-332 с.; Кантильон Р. Основы предпринимательской деятельности.- М.: 1994. – 144 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.:1982.–230 с.; Хизрич Р. Питерс М. Предпринимательство. Вып 1. –М.: 1998.– 126 с.; Сей Ж.Б. Трактат политической экономии – М.: Экономика. 1980.-217 с.; Хоскинг А. Курс предпринимательства.- М.: Международные отношения, 1993. - 273 с. Акофф Р. Искусство решения проблем. – М. Мир, 1992. – 224с.; Водачек Л., Водачкова. Стратегия управления инновациями на предприятии. – М.: Экономика, 2004.-365с.; Друкер П. Управление бизнесом. – М.: Альпина Диджитал, 2016. -250 с.; Мизес Л. Теория и история: Интерпретация социально-экономической эволюции. –М.: Юнити-дана, 2001 -295 с.; Хайек Ф. Право, законодательство и свобода. –М.: Ирисэн, 2006. -220 с.; Харгадон Э. Управление инновациями. Опыт ведущих компаний. –М.: ИД Вильямс, 2007. 340 с.

⁵ Абалкин Л.И. Экономической безопасности теории до концепции долгосрочной стратегии // Проблемы современной России. М., 2011, с. 39-47. М.Спанов Экономической безопасности сущность, критерии, формы // Транзитная экономика, 1998. – с.3. Сеялова Г.С. Организационно-экономический механизм управления предприятиями. Монография. "Оренбург. гос. ун-т". - Оренбург : ОГУ, 2006. - 139 с.: М.А. Азарская Экономическая безопасность предприятия:учетно-аналитическое обеспечение: монография / М.А. Азарская,В.Л. Поздеев. – Йошкар-Ола: ПГТУ, 2015. – 216 с.: Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. - Ростов-н/Д: Феникс, 2007. -С 6.: О. А. Рязанова. “Развитие мониторинга факторов экономической безопасности субъектов малого бизнеса на основе риск-ориентированного подхода” дисс. – К.: 2018г. С-17.

⁶ И.С.Хотамов, М.К.Олимов, А.Ж.Исмоилов “Иқтисодий хавфсизлик” ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисодиёт”, 2019 й. 8-б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: 2002. -256 б.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш.: И.ф.д. диссертация автореферати. – Т.: 2000. -42 б.;Ҳ.П.Абулқосимов “Иқтисодий хавфсизлик” ўқув қўлланма. –Т.: “Академия”, 2006 й. 7-б.; Ҳ.П.Абулқосимов “Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги” ўқув қўлланма. –Т.: “Академия”, 2012 й. 36,37-б.:

устувор йўналишлари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этувчи иқтисодий хавфсизлик омилларини назарий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг барқарор ривожлантиришга таъсир этувчи молиявий ҳамда иқтисодий хавфсизлик омилларини баҳолаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муаммоларини аниқлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига таъсир этувчи иқтисодий хавфсизлик тизимларини ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг Наманган вилояти савдо айланма ҳажми ўзгаришининг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш асосида иқтисодий хавфсизлик тизимларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Наманган вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий гуруҳлаш, қиёсий таҳлил қилиш ва танлама кузатиш, статистик таҳлил, прогнозлаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларида тадбиркорлик фаолиятига таҳдидларни олдиндан баҳолаш ҳамда уларни бартараф этишга йўналтирилган махсус тадбирларни белгилаш орқали иқтисодий хавфсизликни таъминлаш таклифи асосланган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи молиявий тавсифдаги хатарларнинг олдини олишга йўналтирилган молиявий бошқариш ёндашуви асосланган;

иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи таҳдидлар мажмуини иқтисодий жараёнлар, хўжалик фаолиятида иштирок этувчи субъектлар ҳамда ташкилий элементлари жиҳатидан алоҳида гуруҳларга таснифлаш орқали уларнинг олдини олиш жараёнлари самарадорлигини таъминлаш асосланган;

Наманган вилоятида тадбиркорлик фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлаш асосида етакчи тармоқ ва соҳалар бўйича кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари савдо айланмаси ҳажмининг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш асосида уларнинг соҳа фаолиятида иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг намоён бўлиш хусусиятлари аниқланган;

иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрнини баҳолаш, фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришда мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилиб, унинг механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи омилларни SWOT таҳлил усуллари орқали баҳолаш асосида Наманган вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик савдо айланма ҳажми ўзгаришининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги, статистик маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги ва тегишли хулоса, таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг методологик тузилмаси ҳамда унинг механизмларини такомиллаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш, замонавий услубий ёндашувларни қўллашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг назарий ва статистик материаллардан олий таълим муассасаларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш” (тармоқлар бўйича), “Молиявий хавфсизлик”, “Иқтисодий хавфсизлик” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ҳамда ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклифлар асосида:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларида тадбиркорлик фаолиятига таҳдидларни олдиндан баҳолаш ҳамда уларни бартараф этишга йўналтирилган махсус тадбирларни белгилаш орқали иқтисодий хавфсизликни таъминлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 11 августдаги 6/05-16-6738-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Наманган вилояти Савдо-саноат палатасининг тасарруфидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳудудий дастурлар самарадорлигини таъминлашга эришилган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи молиявий тавсифдаги хатарларнинг олдини олишга йўналтирилган молиявий бошқариш ёндашувидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 11 августдаги 6/05-16-6738-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Наманган вилоятида фаолият кўрсатувчи кичик бизнесга ихтисослаштирилган тадбиркорлик субъектларини иқтисодий жихатдан барқарорлигини таъминлаш омиллари ва унинг механизмларини такомиллаштириш имконини бериб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 фоизга ўсишни ташкил этган;

иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи таҳдидлар мажмуини иқтисодий жараёнлар, хўжалик фаолиятида иштирок этувчи субъектлар ҳамда ташкилий элементлари жихатидан алоҳида гуруҳларга таснифлаш орқали уларнинг олдини олиш жараёнлари самарадорлигини таъминлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 11 августдаги 6/05-16-6738-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Наманган вилояти Савдо-саноат палатасига аъзо бўлган кичик тадбиркорлик субъектларини хизмат кўрсатишнинг сифат даражаси 9 фоизга ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятини 7 фоизга ошириш имконини берган;

Наманган вилоятида тадбиркорлик фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлаш асосида етакчи тармоқ ва соҳалар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари савдо айланмаси ҳажмининг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб

чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 11 августдаги 6/05-16-6738-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2030 йилга қадар тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”ни асосий кўрсаткичларининг аниқлик даражаси оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этган маҳаллий илмий журналларда 4 та, хорижий журналларда 7 та илмий мақола нашр этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий-услубий асослари ва унинг механизмларини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий хатарларнинг тадбиркорлик субъектларига таъсирини олдини олишнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган.

Иқтисодий хавфсизлик бу иқтисодий категориядир. Чунки у иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланган, ижтимоий эҳтиёжларни оптимал даражада қондирилган, рационал бошқаришни амалга оширилган, миллий ва халқаро даражаларда иқтисодий манфаатларнинг ҳимоялангандаги ҳолатини ифодалайди. Иқтисодчи олимлардан И.С.Хотамов, М.К.Олимов, А.Ж.Исмоиловлар “Хавфсизлик тушунчаси ўзининг объектлари ва субъектлари нуқтаи назаридан турли шаклларда намоён бўлади. Аммо ҳозирги даврда бу тушунчанинг умумлашган шакли миллий хавфсизлик деб аталади”⁷ дея таъриф берган. Ушбу таъриф орқали муаллифлар иқтисодий хавфсизлик ўзининг объект ва субъектларига эга эканлиги, улар мамлакат миллий хавфсизлигини ташкил этиш омиллари эканлигини тавсифлашмоқда.

Илмий адабиётларда «иқтисодий хавфсизлик» тушунчасининг аниқ мезони келтирилмаган, муаллифлар томонидан турлича талқинлар берилган. Бир гуруҳ олимлар мазкур тушунчани мазмуни мамлакатнинг етарли мудофаа салоҳиятини, давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини, миллий манфаатларни ҳимоя қилишни кафолатлашга қодир бўлган иқтисодиёт ва иқтисодий секторларнинг аҳволи сифатида таърифлайдилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасини мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш механизмларини яратишга қодирлигидир деб талқин қилмоқдалар.

Тадбиркорлик субъектларида иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ҳам молия тизими ва молиявий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш

⁷И.С.Хотамов, М.К.Олимов, А.Ж.Исмоилов “Иқтисодий хавфсизлик” ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисодиёт”, 2019 й. 8-б.

орқали соҳада иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга эришилади. Давлатнинг ва қолаверса тадбиркорлик соҳасида молиявий жиҳатдан ўзини-ўзи таъминлай олиши иқтисодий хавфсизлик муаммосини ҳал қилишнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Иқтисодий хавфсизликнинг муҳим элементи ҳисобланган молиявий хавфсизлик концепциявий ёндашувга мувофиқ композицияда тўрт асосий сегментни ифодалайди: бюджет ва солиқ, валюта, пул ва кредит, бюджетдан ташқари маблағлар фонди (1-расм).



1-расм. Иқтисодий хавфсизликнинг умумий таркибий элементлари⁸

Расмда келтирилган иқтисодий хавфсизликни турли даражалари акс эттирилган: улар ташкилий ва қўллаб-қувватлаш, давлат ва минтақа билан бирга маҳаллий ёки хўжалик юритувчи субъектнинг даражаларини бири-бирдан ажратиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Шу билан бирга, молиявий хавфсизлик концепциясининг кўриб чиқилиши унинг архитектурасини куриш, молиявий хавфсизлик категорияси, иқтисодий хавфсизлик категориялари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг элементлари алоқаларини ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъсир этувчи таҳдидга берилган таърифнинг қуйидаги афзалликларни намоён этади:


⁸Манба муаллиф ишланмаси

тахдид фаолият кўрсатаётган жараёнда унга таъсир этувчи омил сифатида белгиланади, тахдидни зарар етказувчи сифатида эмас, балки имкониятдир;

тахдиднинг эҳтимоллик хусусияти қайд этилган бўлиб, уни амалга ошириш имкониятини миқдорий баҳолашга имкон беради;

зарарнинг эҳтимоллик хусусияти.

Ҳар қандай фаолиятнинг иқтисодий тизимларига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг бизнес юритувчи тадбиркорлик субъектларига хавф-хатарни солувчи кучга эгадир. Тадқиқот шуни кўрсатмоқдаки хўжалик юритишда кичик бизнес субъектларининг иқтисодий хавфсизлигига тахдид солувчи омилларни баҳолашда ва стратегик истиқболни белгилаб берувчи узоқ муддатли режалар тузишда иқтисодий хавфсизлигининг барқарорлигига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш лозим (2-расм).




2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар⁹

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлиги даражасига иккита асосий омил ичида мумкин бўлган турли омиллар ва воситалар таъсир кўрсатади.

⁹Манба муаллиф ишланмаси

Илмий изланишлар натижасида иқтисодий хавфсизликнинг назарияси билан боғлиқ моделни шакллантиришда аниқ ва ягона тушунча мавжуд эмаслигига амин бўлди ҳамда иқтисодий хавфсизликнинг концептуал даражадаги моделини назарий жиҳатдан асослашни лозим деб топди (3-расм).



3-расм. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг умумий концептуал модели¹⁰

Иқтисодий хавфсизлик модели мамлакат миллий хавфсизлик модели билан мантиқан боғланган. Ушбу боғлиқликни иқтисодий хавфсизликни миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми сифатида моделда


¹⁰Манба муаллиф ишланмаси

жойлаштирилганлиги билан кузатиш мумкин. Иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги давлат сиёсати миллий хавфсизлик соҳасидаги умумий давлат сиёсатининг бир қисмидир ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятнинг мазмун, моҳиятини иқтисодий хавфсизликнинг ўзига хос хусусиятлари, ташқи ва ички таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти таҳлили ва иқтисодий хавфсизликни самарали ташкил этиш асослари**» деб номланган иккинчи бобида Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи омилларнинг SWOT таҳлили амалга оширилиб, молиявий хавфсизликни таъминлаш тизимини такомиллаштириш асослари келтирилган.

Жаҳон иқтисодиётида устун мавқега эга бўлган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш даражасини оширди. Масалан, Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги кичик ва ўрта бизнеснинг улуши 67%, Германияда - 65%, АҚШда - 52%. Японияда эса иш билан банд аҳолининг 80% и, Европа Иттифоқи мамлакатларида эса иш билан банд аҳолининг 70% и кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига тўғри келади.¹¹

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида Наманган вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши йиллар кесимида ўсганлигини кўриш мумкин (4-расм).



4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Наманган вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши¹²

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2011-2014 йиллар ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 3,7 фоизга ва 2018 йилда 2010 йилга нисбатан 0,4 фоизга ўсганлигини кўрсатади. Аммо кузатув натижалари ялпи ҳудудий


¹¹http://testhistory.ru/history.php?id=his_5_75

¹²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

маҳсулотдаги улушнинг 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 2,3 фоиз пункт пасайганлигидан далолат беради. Бу жараённинг салбий жиҳатларини бутун дунёда шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам 2020 йилда Covid-19 пандемияси таъсири билан боғлаш мумкин.

Биз қуйида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг айрим иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали соҳа фаолиятининг равнақи, иқтисодий самарадорлик даражаси, иқтисодий ва молиявий хавфсизлик даражасини аниқлаш ва унга салбий жиҳатдан таъсир этувчи омилларни такомиллаштириш имконини беради деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат ва қурилиш соҳаларида кўрсатаётган хизматлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда (5-расм).



5-расм. Наманган вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 2010-2020 йиллардаги саноат ва қурилиш соҳасидаги умумий маблағлар тенденцияси¹³

Наманган вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қурилиш соҳасидан кўра саноат соҳасидаги маблағлар ҳажми юқорилигини кўрсатмоқда. 2010 йилда саноатда маблағлар 429,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 5042,2 млрд. сўмга ошганлигини кўрсатмоқда. Шуниндек қурилиш соҳасида 2010 йилда 284,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 3817,1 млрд. сўмга ошиб 4101,3 млрд. сўмга етганини кўриш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий хавфсизлик тушунчаси унинг фаолияти давомида юзага келадиган таҳдидлар билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги кунда адабиётларда атамаларнинг турлича таърифлари мавжуд бўлиб, уларни "иқтисодий хавфсизликка таҳдид", "тадбиркорлик хавфсизлигига таҳдид", "корхона хавфсизлигига таҳдид", деб турлича талқин қилиниши ёки синонимлар сифатида қабул қилиш мумкин. Агар атамаларни тартибласак, "иқтисодий хавфсизликка таҳдид" атамаси биринчи ўринга

¹³Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

кўйилиши керак, бу эса ҳар қандай иқтисодий фаолиятга салбий таъсирни англатади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолашда унинг функционал компонентларини баҳолаш лозим. Бунда SWOT таҳлили усулидан фойдаланиш керак.

SWOT таҳлил – бу мавзунинг стратегик позициясини тезкор баҳолаш учун қулай воситадир. SWOT таҳлил стратегияси имкон қадар энг яхши ички имкониятларини (кучли ва заиф томонларини) ва ташқи вазиятни (имкониятлар ва таҳдидлар) кўрсатиб бериш учун самарали таҳлил усули ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодий хавфсизлигини баҳолашнинг SWOT таҳлили¹⁴

ИМКОНИАТЛАР	ХАВФ-ХАТАРЛАР
<ul style="list-style-type: none"> • Янги кичик корхоналарни яратиш. • Салоҳиятдан фойдаланиш: табиий ресурслар, илмий-техник, ишчи ходимлар ва бошқалар. • Илмий-техника марказларини яратиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи нодавлат-нотижорат ташкилотлар. • Энергетика, ёқилғи ва бошқа саноат фаолиятидан фойдаланиш • Кичик корхоналарни ташкил этишдаги давлат таянчи, юридик шахсларнинг ҳаракатчанлиги 	<ul style="list-style-type: none"> • Бизнесни ривожланиши ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг самарали механизмни яратилмаслиги. • Йирик корхоналарнинг монопол сиёсати. • Кичик корхоналарга нисбатан иқтисодий сиёсатнинг етарли эмаслиги. • Молия-кредит ва солиқ тизими.
КУЧЛИ ТОМОН	КУЧСИЗ ТОМОН
<ol style="list-style-type: none"> 1. Янги иш ўринлари сони кўпайиши. 2. Кичик ёрдамчи корхоналарни ташкил этилиши. 3. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда давлат сиёсати. 4. Талабнинг қондирилиши 5. Бизнес юритишнинг эркинлиги. 6. Тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда давлат томонидан бериладиган имтиёзлар. 7. Тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва унинг натижадорлиги. 8. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини яратилиши. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳудудда ишлаб чиқариш технологиясидан фойдаланиш даражаси пастлиги ёки етишмаслиги 2. Айрим фаолият турлари ўртасидаги монополия. 3. Илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш пастлиги. 4. Тадбиркорлар ва кадрлар малакасининг паст даражаси. 5. Молиявий хавфсизликни таъминлаш масалалари 6. Ресурсларни етишмаслиги ёки ундан фойдаланиш даражаси пастлиги 7. Солиқларнинг юқори даражаси. 8. Табиий рақобатнинг мавжуд эмаслиги 9. Харажатларнинг юқори даражаси

¹⁴Манба муаллиф ишланмаси

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва соҳани барқарор ривожлантириш учун кучли томонлар муҳим аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда SWOT таҳлилида келтирилган кучли ва кучсиз омилларни баҳолаш мақсадида Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси аъзолигига кирувчи тадбиркорлик субъектларида сўровнома ўтказилди.

Сўровнома натижаларидан келиб чиққан ҳолда SWOT таҳлили умумий ҳулосаси қуйида келтирилган матрица жадвали билан танишишингиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг SWOT таҳлилининг сўровнома асосидаги умумий натижаси (фоиз ҳисобида)¹⁵

Кучли томон	Баҳолар натижаси								
	1	2	3	4	5	6	7	8	
<i>Кучли имкониятлар</i>	28	20	25	30	37	22	25	35	
	Баҳолар натижаси								
Кучсиз томон	1	2	3	4	5	6	7	8	9
<i>Кучсиз имкониятлар</i>	20	34	30	28	38	25	22	24	32


SWOT таҳлили натижалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда кучли томон тизимида энг кўп овоз олган (фоиз ҳисобида) “Кучли томон” – 1. “Янги иш ўринлари сони кўпайиши”, 4. “Талабнинг қондирилиши”, 5. “Бизнес юриштининг эркинлиги”, 8. “Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини яратилиши” каби омиллар юқори овоз олган бўлса “Кучсиз томон” – 2. “Айрим фаолият турлари ўртасидаги монополия”, 3. “Илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш пастлиги”, 4. “Тадбиркорлар ва кадрлар малакасининг паст даражаси”, 5. “Молиявий хавфсизликни таъминлаш масалалари”, 9. “Харажатларнинг юқори даражаси эмаслиги” каби омилларни кўрсатмоқда.

SWOT таҳлили натижасидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини барқарорлигини ривожлантириш ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда молиявий масалаларга кўпроқ эътибор қаратишни, молиявий ёки бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш имкониятини ошириш ва малакали кадрлар билан таъминланиш даражасини ошириш зарур деб ҳисобланади.

Таркибий элементларнинг тақсимланиши, биринчи навбатда, молиявий хавфсизликни таъминлаш тизимини шакллантиришда тизимли ёндашув фақат таҳдидларнинг функционал таркиби мавжуд бўлганда аниқланиши мумкинлигидан келиб чиқади, бу ҳам барча молиявий-иқтисодий тизимларни

¹⁵Манба муаллиф ишланмаси

мувозанатли ишлашининг фалсафий ва назарий принциpidан келиб чиқади. Композитцион тоифаларни ҳисобга олмасдан молиявий ҳолатни ва хавфни баҳолаш имкони паст даражада бўлади деб ҳисоблаймиз ҳамда тadbиркорлик субъектларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли ёндашувини қуйидаги тартибини амалиётга қўллаш таклифини такдим этамиз (6-расм).



6-расм. Tadbirkorлик субъектларини молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг тизимли композит ёндашуви¹⁶

Ушбу композит молиявий таҳдидларнинг ташқи ва ички хатарлар тизимини ифодалайди ва уларни бошқариш тизими билан бирлашиши жараёнидаги барча бўлимларнинг таҳлилий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиши кераклигини англатади.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимини самарадорлигининг истиқболлари**» деб номланган учинчи боби кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасининг ривожлантириш истиқболлари,

¹⁶Манба муаллиф ишланмаси


молиявий-иқтисодий тизимлар самарадорлигини оширишда иқтисодий хавфсизлик механизмларини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини баҳолашга бағишланган.

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига таъсир этувчи турли таҳдидларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятли ҳисобланади. Замонавий бизнес дунёсида иқтисодий хавфсизлик маъмурий бошқарувнинг борган сари муҳим ва кўп мақсадли таркибий қисмига айланмоқда. "Хавфсизликка таҳдид" тушунчаси йилдан-йилга ўзгарувчан бўлиб бормоқда, янги омиллар ва элементлар доимий равишда таҳдидлар рўйхатига киритиб борилмоқда.

Ю.А.Бурцев ўз тадқиқотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи ташқи омиллар таъсири катта аҳамиятли деб ҳисоблайди¹⁷ ва таъсир этувчи ташқи омилларнинг асосийлари деб қуйидагиларни келтирган:

- мамлакат иқтисодий ҳолати;
- юқори қийматли суғурталар;
- солиқларнинг юқори даражалилиги;
- малакали кадрларнинг етишмаслиги.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш самарадорлигини оширишда таҳдидларни таснифлаш ва таснифлар асосида иқтисодий хавфсизликни баҳолаш ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тизимларини самарадорлигини оширишга эришилади (7-расм).



7-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи таҳдидлар таснифларининг асоси¹⁸

¹⁷ БурцевЮ.А. Экономическая безопасность малого предпринимательства в России. Научный журнал “Мир новой экономики”.: №1/2016. С-90

¹⁸Манба муаллиф ишланмаси

Ушбу расмда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар нейтраллашган асослари, том маънода хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи асосий омиллар киритилган. Нейтраллаштирилмаган асосларга эса хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигига қисман таъсирга эга омиллар киритилган.

